



2020 у.г. «3» сентябрь

№ 443 -К

Оqdaryo t., - р.Акдарья

Туман ҳокимининг 2018 йил 25 сентябрдаги 2000-Қ-сонли қарорини бекор қилиш ҳамда 1-сонли мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 251-сонли "Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, фуқаро Қаршиев Бобур Хамидуллаевичнинг туман ҳокимлиги балансига топшириш тўғрисидаги аризаси ҳамда туман Мактабгача таълим бўлимининг 2020 йил 19-февралдаги №01-08/01-105-а-сонли хатини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб;

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қаршиев Бобур Хамидуллаевич томонидан "Туман ҳокимининг 2018 йил 25 сентябр куни "Турон" маҳалласи "Арпа" қишлоғи ҳудудидан жойлашган, туман ҳокимлиги балансида бўлган бўш турган бинони фуқаро Қаршиев Бобурга "Мактабгача таълим ташкилоти" ташкил этишга рухсат бериш тўғрисида"ги 2000-Қ-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисидаги мурожаати инобатга олинсин.

2. Туман ҳокимининг 2018 йил 25 сентябрдаги 2000-Қ-сонли қарори бекор қилинсин, "Турон" маҳалласи "Арпа" қишлоғи ҳудудидан 1-сонли мактабгача таълим ташкилоти ташкил этишга рухсат этилсин.

3. Ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотини таъмирлаш учун туман бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 200000000 (икки юз миллион) сўм маблағ туман мактабгача таълим бўлимига ажратилсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (У.Маҳманазаров)га амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан 1-сонли Мактабгача таълим ташкилотининг бюджет параметрларига тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

5. Туман мактабгача таълим бўлими (Б.Асророва)га вилоят Мактабгача таълим бошқармаси билан келишган ҳолда янгитдан ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотини етарли миқдорда жиҳозлар, ўқув кўргазмали куроллари ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Ҳайдаров, Б.Аролов, М.Саидмуродов)лар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

  
Ф.Абилов